**Ушбу сонда:**

2 Санация ФЕРМЕРГА КАТТА ИМКОН ЯРАТДИ

3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

8 КАСАБА УЮШМА СПОРТИНИНГ ИЛДАМ ОДИМИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 18 март, жума № 44-45 (1886)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

*ЛЮБЛЯНА, 17 март. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Брдо» қасрида Словения ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Димитрий Рупелни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Словениянинг халқаро масалалар бўйича ҳамкорлигига, мамлакатимизнинг ЕХҲТ билан муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.***

Ислом Каримов Словения Давлат йиғинига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарининг Словения Давлат йиғини раиси Франце Цукьяти ҳамда парламент фракциялари вакиллари билан учрашувида парламентлараро ҳамкорликка оид масалалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбарининг Словения Бош вазири Янез Янши билан музокараларида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.



## КЎТАРИНКИ РУҲДА

Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ Наврўз арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида Тошкент вилоят бўйича бир миллион икки юз мингдан зиёд киши иштирок этиши кутилмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилганига анча бўлди. Шу пайтга қадар салкам беш юз километрлик ариқ ва зовур тозаланди, бир ярим миллион тупдан зиёд мевали, беш минг тупдан ортиқ манзарали дарахт ниҳоллари, бир ярим миллионга яқин гул кўчатлари ўтқазилди.

Бу борадаги ишлар, айниқса, Паркент, Бўстонлиқ, Тошкент, Қибрай, Юқори Чирчиқ туманлари ва Ангрен, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарларида яхши йўлга қўйилган. Маҳаллаларнинг янада обод ва кўркам бўлиши учун вилоятда «Энг обод маҳалла», «Саранжом-саришта хонадон» каби мавзуларда кўрик-танловлар ўтказилди.

***Шу кунларда юртимизнинг қай бир гўшасига борманг ободончилик ишларининг гувоҳи бўласиз. Зеро, Наврўзнинг кириб келиши одамлар кўнглида яратиш, яшнатиш завқини уйғотди.***

Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида Вазирлар Маҳкамасининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисидаги Фармойиши ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Қўқон шаҳридаги Қўқонсой соҳиллари бир аҳволга келиб қолган эди. Шаҳар ҳокимлиги уни ободонлаштириш, сайлгоҳга айлантириш ташаббуси билан чиқди. Натижада бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Эллик минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчати ва гул ўтқазилди, гузарлар барпо этилди. Наврўз байрамини кўпчилик қўконликлар шу ерда - Қўқонсой сайлгоҳида нишонлайдиган бўлди.

Фарғона шаҳри гулчилари эса иссиқхоналарда етиштирилган анвойи гулларни Аҳмад ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғига ўтказишга киришди. Бу ишда ёшлар ҳам фаол иштирок этяпти. Улар жойларда 100 минг тупдан ортиқ ниҳол ўтказди.

- Туманимиз ҳудудидан ўтган Тошкент-Ўш йўли ёқасига саксон минг туп арча кўчати ўтқаздик, - дейди Данғара тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси К.Имомалиева. - Мулкобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳашар йўли билан гузар барпо этилмоқда.

Вилоят ҳокимлигида ташкил этилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ишчи комиссиясининг маълумотларига қараганда, ойлик давомида шаҳар ва туманларда қарийб бир миллион туп гул, икки миллион туп дарахт кўчатлари ўтқазилди.

**(ЎзА)**



## МАРАФОНЧИЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

***Наврўз байрами арафасида Нукусдан чиққан марафончилар мамлакатимиз пойтахти сари йўл олди. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ уюштирилган умуммамлакат марафонида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 168 нафар спортчи иштирок этиши кутилмоқда.***

Қорақалпоғистонликларга мазкур йўналишда Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг спортчилари ҳам қўшилади ва улар 27 март куни Тошкент шаҳрида мамлакатимизнинг бошқа марафончилари билан учрашади.

**(ЎзА)**

*Наврўз қувончлари*

## БУНЁДКОРЛИК

***Андижон вилоят ҳокимлигининг ободончилик, кўкаламзорлаштириш, санитария тозалиги икки ойлиги ҳашарини уюштириш юзасидан қарори эълон қилинди.***

Ойлик хусусан икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда - март ойи мобайнида 5 та шаҳар, 14 та туманда ободонлаштириш ва кўкамламзорлаштириш, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури бўйича кенг кўламли ишларни бажариш режалаштирилган. Бу ойда ўтган йилдагидан 2 ҳисса кўп гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахатлар ўтқазилади. Иккинчи босқичда — апрел ойида турар-жой биноларини оқлаш, спорт иншоотларини тартибга келтириш, эски деворларни янгилаш, сув йўлларини равонлаштириш амалга оширилади.

Кейинги бир йил ичида вилоят меҳнаткашларининг ижтимоий ҳимоясида ҳам кўнонарли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Нақд пул тушуми 2 ҳисса кўпайиши эвазига ойлик маош, пенсия ва нафақалар ойма-ой ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Жамоат транспорти ва коммунал маиший хизматни яхшилашда олға қадамлар ташланди. Биргина мисол. Темир йўл шох бекати қаршисидаги мавзеда «Конституция бекати» барпо этилди. Гулзорларга бурканган хиёбондаги ўриндиқларда тин олиб, фавворалнинг шабадасига бағрингизни тутиб саратон иссиғида тоза ҳаводан баҳраманд бўлиш мумкин. Яқингинадан бошлаб, Андижон шаҳри - Ойим қишлоқ йўналиши бўйлаб 8 та «Отойўл» автобуси қатнай бошлади. Илгари йўловчилар шахсий «Дамас» эгаларига 600 сўм йўл ҳақи тўлаётган бўлсалар, ҳозир 300 сўмга шаҳарга бориб келяптилар. Шаҳар ичида 50 та йўналишда жамоат транспорти ҳаракатланмоқда.

Яна бир кўнгилни нурлантирадиган хушхабар. «ЎзКоджи» Ўзбекистон Жанубий - Корея қўшма корхонасида қўшимча қувватларни ишга туширилиши туфайли, 70 та янги иш ўрни яратилди. Ишловчиларнинг 40 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади.

Вилоятда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари қизғин давом эттириляпти. Жумладан Шифокорлар шаҳарчасида республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази вилоят бўлимини барпо этиш, «Халқлар дўстлиги» ўйингоҳини таъмирлаш, 300 ўринли тез тиббий ёрдам марказини фойдаланишга топшириш режалаштирилди. Бунинг учун 2 миллиард сўм маблағ сарфланади. Ҳозиргача қурилиш-монтаж ишларига 500 миллион сўм ажратилиб, бунёдкорлик ишлари жадаллашмоқда.

Вилоятда Наврўз тантаналарига катта ҳозирлик кўрилмоқда. Айём арафасида вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими томонидан А.Бакиров номли ёшлар театрида »Ассалом, Наврўз» анъанавий қўшиқлар кўрик-танлови уюштириляпти.

- Байрам ҳар йилгидек маънавий-маърифий ва маданий йўналишга оид сценарий асосида олиб борилади, - дейди «Наврўз» штаби бошлиғи Д. Сатторов. - Тадбирда 100 дан ортиқ халқ этнографик ва хаваскорлик жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этади. «Мерос», «Андижон», «Андижон полкаси», «Зилол» каби фольклор-этнографик дасталарига кенг ўрин берилган.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**



***Остонамизда Наврўзи олам элчилари кезади. Қуёш заминга яқинлашиб, ўзгача файз, ўзгача ёруғлик билан нур соча бошлайди. Она қўлларидек иссиқ баҳор офтобининг тафтидан эркаланиб замин уйғонади. Табиатнинг эрка қизи – шабадалар ҳар гиёҳ, ҳар чечакдан атир ўғирлаб атрофга сочади. Сулув келинчакдек безанган новдаларга осилиб, оламни гулбаргга тўлдиради. Тоғларда бойчечак, адирларда бинафша, қирларда эса лолақизғалдоқ ял-ял ёнади. Найсон ёмғирлари шода-шода гулга айланади. Сайрағоч қушларнинг шўх-шўх сайраши сўфитўрғайлар нағмаси, булбулу қумрилар навосига қўшилиб кетади. Буларнинг бари Наврўзи олам даракчилари.***

## БАҲОРИ ҚУТЛУҒ ДИЛБАР ВАТАНИМ!

Олис-олисдан эшитилаётган чанқовузнинг мунгли нолалари қалбга соғинч ҳиссини солади. Баҳор насимлари кўнгилнинг қулфли эшикларини очиб юборади. Ундан энг гўзал, дилбар хотиралар битта-битталаб тўкилади, тўкилаверади. Бу эса Наврўзи олам севинчи.

Ҳа, Наврўзнинг кўнгилга ёруғлик солувчи мўъжизалари кўп. Унда руҳни, кўнгилни тозаловчи мушки анбар бор. Бу мушки анбар атридан қалбда умид шўълаланади. Шу боис Наврўз нафасидан дард-мандлар шифо, ночорлар чора топишади. Наврўз эса ҳар дарахт, ҳар новдадан гулдаста ясаб барчага бирдек шодлик улашади. Булбулдек ғазалхон бўлиб, оламга гўзаллик улашди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов айтганидек:

*Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,*
*Тошқинлар киради қалбимда маним.*
*Баҳорим муборак бўлсин ушбу дам,*
*Менинг, Ўзбекистон – дилбар Ватаним!*

Ҳеч ким, ҳеч қачон баҳордек табиатни яшнатолмайди, Наврўздек кўнгилларга сафо бағишлай олмайди. Фақат баҳор насимларигина дилдан ғамни қувади. Шу боис Наврўз орзу-умидлар, тириклик, яшариш байрамидир.

Ҳа, халқимиз дунёда нимаики эзгулик бўлса уни Наврўз айёмига нисбат беришган. Халқ ўзининг барча эзгу фазилатлари, урф-одатларини айнан Наврўзда намоён этган. Наврўз билан боғлиқ удумлар байрамгача ва байрамдан кейин ўтказиладиган маросимларга бўлинган. Унгача экин-тикин ишларига тайёргарлик кўрилган, кўчалар, ҳовли-жойлар, қабристонлар тозаланган, баҳор таомлари – сумалак, ҳалим ва бошқаларни тайёрлаш тадорики кўрилган, янги сарполар тикилган, шунингдек, табиат ҳодисалари ва халқ тақвими билан боғлиқ қиш чилласи, аямажиз, аҳмандаҳман, оби-раҳмат каби маросимлар ўтказилган. Айниқса, Наврўзгача ўтказиладиган энг оммавий тадбирлардан бири ҳашар ҳисобланган. Ҳашар ўзаро ёрдам ёки шерикчилик асосида жамоа бўлиб ишлашнинг қадимий шаклларидан бўлиб, у халқимизнинг миллий тарихий турмуш ва тафаккур тарзи сифатида миллий анъаналар ва урф-одатлар билан боғлиқликда ривожланиб, бойиб борган.

Ҳашар, фолклоршунос олим Тўра Мирзаев таъкидлаганларидек, деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг ривожланиши билан Наврўз таркибида юзага келган оммавий халқ тадбиридир. У йиллар ўтиши билан янгиянги шаклларда давом этиб, миллий анъаналардан бирига ва энг муҳимига айланган. Унинг замирида кишиларнинг аҳиллиги, дўстлиги, бир-бирига ҳурмат-эҳтироми, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик ягона мақсад учун меҳнат қилиш, бирлик ва ҳамкорликни қадрлаш каби олижаноб сифатлари камол топиб борган. Шунинг учун ҳам Наврўзолди ҳашарлари катта тайёргарлик кўрилган ҳолда меҳнат байрами тарзида ўтказилган. Одатда ҳашарчилар бажарган иши учун иш ҳақи олишмаган, балки уларнинг кундалик ёки бир неча кунлик ейишичиши ва дам олишини ҳашарни ташкил этган шахс ва жамоа кўтарган. Бундан ташқари, Наврўзгача ерлар ҳайдалиб, экишга тайёрланган. Ҳашар йўли билан ариқ-зовурлар тозаланган. Ҳаммаёқда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган, қабристонлар атрофи тартибга келтирилган. Марҳумлар шаънига дуою фотиҳа ўқилган. Наврўз кунлари эса урушлар тўхтатилган, араз-лашганлар ярашишган. Касаллар ҳолидан хабар олиниб, бева-бечораларга мурувват ёрдами кўрсатилган. Шунингдек, сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара каби баҳорий таомлар тайёрланиб, биргаликда тановул қилинган. Кўни-қўшниларга тарқатилган. Қариндош-уруғлар, дўсту танишлар йўқланган, дастурхон тузалиб, меҳмон кутилган.

Маънавий қадриятларимизнинг гултожи ҳисобланган Наврўзнинг илдизи ана шундай тиниқ чашмалардан сув ичган. Мевалари эзгулик ва яхшилик дарахтида пишиб етилган. Шу боис у инсон қалбининг кўрикҳонасида мангу яшаб бизгача етиб келган.

Наврўз удумлари ҳам ана шундай қалбга яқинлиги, эзгуликка йўғрилганлиги, бағрида энг гўзал урф-одатлар, азалий қадриятларимизни жо этгани билан қадрлидир. Мустақиллик шарофати билан Наврўзнинг энг яхши удуми ҳисобланган ҳашар янгича мазмун ва моҳият касб этди. «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан бу йилги Наврўз ўзгача шукуҳ, ўзгача файз билан кириб келмоқда. Маълумки, сиҳат-саломатлик маънавий ва руҳий поклик, тозаликдан, ободлик эса кўнгилдан бошланади. Шу муносабат билан 19 мартда мамлакатимизда Наврўзолди умумхалқ ҳашари ўтказилади. Барча шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, ташкилот ва корхоналарда, олийгоҳ ва ўқув юртларида, қўйингки, ҳар бир гўшада кўтаринки руҳда ушбу тадбир уюштирилади. Халқимизга хос азалий фазилат ҳисобланган бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатни янада юксалтириш жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тамойилларини кенг ёйиш, шунингдек, Наврўз айёми муносабати билан ўтказиладиган ҳашардан ҳеч ким четда қолмайди. Анъанавий тадбирда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади. Чор атроф ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилади. Ҳашар йўли билан мактаб ва боғчалар, шифохоналар таъмирланади. Кам даромадли, кўп болали оилаларга саховат ёрдамлари уюштирилади. Боқувчисини йўқотган, ёлғиз қарияларнинг уй-жойлари тартибга келтирилади. Бундай савобли тадбирлардан энг оммавий, нуфузли ташкилот ҳисобланган республика касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ Марказий қўмиталари, шунингдек, вилоят бирлашмалари, бошланғич ташкилотлари четда қолмайди. Касаба уюшма фаолларининг саъй-ҳаракати билан ҳашарлар уюштирилиб, боғ-роғлар, гулзорлар барпо этилади. Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари билан биргаликда саховат тадбирлари ўтказилади. Ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам уюштирилади. Шунингдек, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонларга саховат ёрдами ҳамда Наврўз совғалари улашилади. Хуллас, касаба уюшмалари ҳам азалий урф-одатларимизнинг энг яхши анъанаси ҳисобланган ҳашарни меҳнат байрамига айланишига ўз ҳиссаларини қўшишади.

Ҳа, Наврўз ана шундай эзгуликка йўл очиб бораётган янги ва яхши кундир. Мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек:

*То фасли баҳор зеби олам бўлгай,*
*Ул зеб ила боғ сабзу хуррам бўлгай.*

**Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» мухбири**

*Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси қурултойидан*

## “ОДАМЛАР БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТИШАДИ”

Бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида касаба уюшмалари нуфузини ошириш, аъзолар сонини кўпайтириш, меҳнаткашлар мутлоқ ишончини қозониш имконини берувчи қимматли таклифлар билдирилганди. Шу боис аксарият делегатлар қурултойдан кўп нарса кутишганди. Ўринли савол анжуманда кўндаланг қўйилди. Аъзолар қачон касаба уюшмаларига мурожаат қилишади? Жавоби тайин: аксарият ўринларда уларни ишдан бўшатишганда, штатлар қисқартирилганда ёки ишберувчининг ноқонуний буйруғи ила адолат тамойили бузилганида. Тўғри, ҳозирча баъзи раҳбару мутахассисларнинг амалдаги қонунларни яхши билмасликлари, шунингдек қонунни чеклашлар, “Мен раҳбарман, меники тўғри” қабилида иш юритишлар қимматга тушмоқда. Кимлардир азият чекиб, чекланган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш орзусида тегишли ташкилотларга мурожаат этишга мажбур бўлишмоқда.

Марказий қўмита ва уларнинг жойлардаги мутасаддилари меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни намунали йўлга қўйиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширди. Бу борада Конституциявий суд, прокуратура, Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, солиқ ва божхона қўмиталари ходимлари билан ҳамкорлик қилинди. Лавозими ва мавқеидан қатъий назар барча қонунни бирдек ҳурмат қилиши ва унга суяниб яшаши лозимлиги алоҳида уқтирилди. Шу йўналишда семинарлар, учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилди. Ҳар бир меҳнат жамоасида ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатларига боғлиқ бўлган қонунлар бажарилиши доимий равишда ўрганилиб борилди. Мақсадга эришишда “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун муҳим аҳамият касб этди.

Ҳисобот даврида тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг сони кўпайди. Бироқ гап сонда эмас, сифатда. Худди шу йўналишда ҳали кўп иш қилиниши керак. Анжуманда ҳисобот маърузаси қилган Марказий қўмита раиси Д. Алимходжаева, музокарада сўзга чиққан нотиқлар жамоа шартномалари экспертизадан ўтказилган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлашди. Очиғини айтганда ҳали қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни яхши билувчи мутахассислар етишмайди. Айрим ҳолларда экспертизага юзаки ёндошилган ёки умуман шартномаларни экспертизадан ўтказмасдан қабул қилиш ҳолатлари учраётганлиги кимлардир ўта муҳим масалага панжа орасидан қараётганлигини аниқ-равшан кўрсатиб турибди.

***(Давоми 3-бетда)***

## ЗАМИН КЎРКИГА КЎРК БАҒИШЛАБ

Наврўз байрамини кўпчилик қўконликлар шу ерда - Қўқонсой сайлгоҳида нишонлайдиган бўлди.

Фарғона шаҳри гулчилари эса иссиқхоналарда етиштирилган анвойи гулларни Аҳмад ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғига ўтказишга киришди. Бу ишда ёшлар ҳам фаол иштирок этяпти. Улар жойларда 100 минг тупдан ортиқ ниҳол ўтказди.

- Туманимиз ҳудудидан ўтган Тошкент-Ўш йўли ёқасига саксон минг туп арча кўчати ўтқаздик, - дейди Данғара тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси К.Имомалиева. - Мулкобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳашар йўли билан гузар барпо этилмоқда.

Вилоят ҳокимлигида ташкил этилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ишчи комиссиясининг маълумотларига қараганда, ойлик давомида шаҳар ва туманларда қарийб бир миллион туп гул, икки миллион туп дарахт кўчатлари ўтқазилди.

**(ЎзА)**



*Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси қурултойидан*

## ЎЗ СЎЗИМИЗНИНГ ЭГАСИ БЎЛАЙЛИК

Кейинги йилларда республикамизда улкан қурилиш ишлари амалга оширилди. Шаҳар ҳамда қишлоқлар кўриниши тубдан ўзгарди. Юзлаб халқ хўжалик иншоотлари қад ростлади. Айни пайтда улар халқимиз турмуш шароитини яхшилашга хизмат қиляпти.

Табиийки, бу улкан ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг муносиб ҳиссаси бор. Мазкур ташкилот ўтган йиллар давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари III қурултойи Ҳаракат Дастури асосида фаолият кўрсатди. Соҳа меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни янада яхшилаш, жойларда меҳнат қонунчилигига, меҳнат муҳофазасига риоя этилиши қатъий назоратга олинди.

Ҳисобот даврида Марказий қўмита ижтимоий шерикчилик тамойилини амалга ошира бориб, республика хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда меҳнаткашларга кўнгилдагидек иш ҳамда дам олиш шароитларини яратиш учун барча имкониятни ишга солди. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ва бошқа ижтимоий кафолатларни ўзида мужассамлаштирган тармоқ келишувлари қабул қилди. Мазкур ҳужжатларга асосан меҳнат таътилининг энг кам муддати 18 иш куни этиб белгиланди. Ҳар бир ишчи-хизматчига меҳнат таътили унинг меҳнат стажига биноан бир кундан етти кунгача оширилди. Зарарли ва оғир шароитда ишловчиларга компенсация тўловлари берилди. Иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли шикастланганларга бир йилда тўланадиган нафақалар миқдори кўтарилди. Чернобил фожеасини бартараф этишда қатнашганлар, иш вақтида бахтсиз воқеа туфайли вафот этганларнинг оилалари, биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолганлар ҳам бир қатор қўшимча имтиёзлар ва кафолатлардан баҳраманд бўлишди.

Бу масалалар тармоқ тизимидаги корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномаларида ҳам ўз аксини топди. Уларнинг бажарилиши белгиланган тартибда муҳокама этиб борилди. Ўтган беш йил мобайнида “Ўзмонтажмахсусқурилиш” ассоциациясида тармоқ келишувини бажарилиши учун кетган харажат сезиларли даражада ошди.

Марказий қўмита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар вакилликлари билан ҳамкорликда келишувлар ҳамда жамоа шартномаларига ҳар бир йилнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча имтиёзлар билан бойитди. Бунинг натижасида оддий бир меҳнаткаш ўзи тўлаган аъзолик бадалига нисбатан 27 марта кўпроқ моддий манфаат кўрди.

Лекин шунга қарамай, тармоқда меҳнаткашларга ойлик маошни ўз вақтида ва белгиланган даражада тўлашда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Пенсия, турли нафақалар ҳамда соғлиғига етказилган зарар учун тўланадиган товон пуллари масаласида ҳам шу аҳволга тез-тез дуч келиняпти. Шуни ҳисобга олиб Марказий қўмита амалдаги қонунлар асосида иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш юзасидан муҳим ҳужжатлар қабул қилди. Бажарилишини доимий назоратга олди. Бунинг натижасида иш берувчилардан 2,7 миллиард сўм ундириб берилди.

Меҳнат муҳофазаси масаласи ҳам Марказий қўмита раёсатининг мажлисларида мунтазам равишда таҳлил этиб борилди. Меҳнат қонунчилиги ҳамда муҳофазасига оид текширувлар ўтказилди. Натижада иш берувчиларга камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Кейинги вақтда меҳнат муҳофазаси ҳар бир раҳбарнинг ва бу ишга мутасадди, мутахассисларнинг, қолаверса ҳар бир оддий ишчининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Чунки, бу ўта муҳим вазифа инсонлар тақдири, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омили эканлигини ҳар биримиз тушуниб етмоғимиз даркор.

***(Давоми 3-бетда)***

*Касаба уюшма ёрдами билан*

# «НУРЧИ» ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА

***Жўра Маҳмудовни маҳалладагилар «Жўра Чироқ» дейишади. Чунки у қирқ йилдан ортиқ монтёрлик қилиб, кўпчиликнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўлди.***

Ўтган йил баҳор ўрталарида Жўравойни қўшнисининг тўйида учратиб қолиб, ачиндим. Худди етмишдан ошган одамдек қўлтиқ таёқ билан аранг юриганди. У билан анча гаплашиб ўтирдик.

– Қишн-ёз демасдан тепага кўтарила бериш ўз таъсирини кўрсатмай қолмас экан, - дейди суҳбатдошим. – Натижада оёқ ва белдан ажралай, деб турибман.

Яқинда Жўравойни «Деҳқон» бозори дарвозаси олдида қўлида харид тўла халтача тутган ҳолда кўриб, кўзларимга ишонмадим. Яна аввалгидек юзлари қипқизил, кайфияти чоғ, кўзлари порлар эди. Ҳол-аҳвол сўрашдим. Соғлиғини суриштирдим.

– Олдинлари касаба уюшма дейишса эътибор бермас эканман. Дардимга ана шу жамоат ташкилоти дармон бўлди, - дейди у. – Унинг ёрдамида икки марта «Чортоқ» сиҳатгоҳида бўлдим. Худо хоҳласа, соғлиғим тикланиб, қўлтиқ таёқдан қутилдим. Нафақага чиққан бўлсам-да, идорадагилар талаби билан яна ишга қайтдим.

Наманган электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Бекмурод Тожибоевнинг таъкидлашича, агар 2000 йилда ҳар бир ходимнинг ижтимоий ҳимоясига 171 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 298 минг сўмга етди.

Вилоятда энергетика тизимида ишлаётган ходимларни соғломлаштиришга, айниқса, эътибор кучли. Ўтган ҳисобот даврида, «Нурчи» дам олиш масканида 2300 нафар, «Тиббий» санитария қисмида эса 4 мингдан ортиқ шу соҳада меҳнат қилаётганлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. Шунингдек, тармоқ тизимида 15 йилдан ортиқ ишлаган ишчи-хизматчиларнинг 1050 нафар ўғил-қизлари ҳамда 70 нафар ходим сиҳатгоҳларда дам олишди.

– Шунга қарамасдан олинаётган йўлланмалар миқдори етарли эмас, - дейди мулоқотимиз давомида Б.Тожибоев. – Шунинг учун Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Ўзбекэнерго» ДАК билан тузган тармоқ келишувидаги бандлар асосида тузилган жамоа шартномалари орқали хўжаликлар ҳисобидан йўлланмалар олишни йўлга қўйганмиз. Масалан, кейинги икки йил ичида 150 нафар ходим ва пенсионер ана шу имтиёзлардан фойдаланиб, сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаб олдилар.

Тармоқ қўмитаси ходимларни фақат соғломлаштириш билан кифояланиб қолмасдан, ишловчиларни қўллаб-қувватлашнинг барча усулларидан унумли фойдаланмоқда. Чунончи, кам таъминланган оилалар, иккинчи жаҳон ва Афғон уруши қатнашчилари, Чернобил ҳалокатини бартараф этишда иштирок этганлар ҳам касаба уюшмаларининг диққат-марказида. Уларга йил давомида ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, бевосита энергетика тизимида 19 йилдан ортиқ узлуксиз ишлаб, меҳнат нафақасига чиққан 250 нафарга яқин кишига уларнинг иш стажларига қараб корхона ҳисобидан ички нафақа бериш жорий этилган.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Бешариқ тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон ишлаб чиқариш унитар корхонаси аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Айни пайтда бу ердагилар кунига 35-40 тонна сарҳил неъматни эл дастурхонига етказиб беришмоқда.***

***Шунингдек, келгусида олти турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.***

***Суратда: ишчи Гулбаҳор Эргашева.***

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**



## ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

Наврўз байрами арафасида таъмирдан чиққан Қўқон тиббиёт коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Унда жарроҳлик, лаборатория, стоматология хоналари ташкил этилиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Замонавий спорт мажмуи бунёд этилди.

Коллеж биносининг очилишида сўзга чиққанлар таълим тизимини ислоҳ қилиш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Беш йўналиш бўйича 3 минг 400 нафар талаба таълим-тарбия олаётган мазкур коллеж бунинг ёрқин далилидир.

*2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

# МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР УСТАСИ

***Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бугунги кунда мамлакатимиздаги энг йирик даволаш масканлардан бири. Кўпгина тажрибали, малакали, етук мутахассислар фаолият кўрсатаётган мазкур билим масканига мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, қолаверса, қўшни республикалардан ҳам беморлар ташриф буюришиб, саломатликларини тиклаб қайтмоқдалар. «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда АДМИнинг 50 йиллик юбилейи кенг нишонланиши режалаштирилган.***

Бу ерда сўнгги йилларда ташкил этилган даволаш бўлимлари ҳам муваффақият билан фаолият кўрсатаётир. Жумладан, 2002 йилда клиниканинг раҳбар жонкуярлари саъй-ҳаракати билан Фарғона водийсида ягона ҳисобланган умумий жарроҳлик кафедраси қошида юрак-қон-томир жарроҳлиги бўлими очилганди. Қисқа муддат ичида 150 дан ортиқ нозик жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли амалга оширилди. Жорий йилда сунъий қон айланиш шароитида бажариладиган юракдаги мураккаб операцияларни ўтказиш мўлжалланган. Ҳозирги кунда кафедрада 7 нафар тиббиёт фанлари доктори, 4 нафар олий тоифали шифокорлар фаолият кўрсатишаётир.

– Кўплаб беморларга қайта соғлиқ бахш этаётган марказимиздаги мутахассисларнинг аксарияти Европа мамлакатларида ўз малакаларини ошириб қайтишган, - дейди кафедра мудири, профессор А.Ўринов. – Бўлимимиз юракнинг туғма ва орттирилган нуқсонлари, ўпканинг барча касалликлари, қонтомир хасталикларини даволашга ихтисослаштирилган. Япония ва Европа мамлакатларидан келтирилган сўнгги русумдаги техник асбоб-анжомлар касалликни аниқлаш ва ташҳис қўйишда муҳим омил бўлаётир.

**Одил ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## БУЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

***Қўқон «Механика заводи» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури йигирма учтага кўпайди. Корхона асосан нефт ва газ саноати учун эҳтиёт қисмлар етказиб беради. Шунингдек, аҳолига пуллик хизмат ҳам кўрсатади. Жумладан, кундалик эҳтиёж буюмлари ишлаб чиқариляпти.***

– «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тармоқларига буюртма асосида турли хил насос, винтел, ҳар хил ҳажмдаги арматура ва бошқа эҳтиёт қисмларни етказиб бераяпмиз, - дейди корхона раҳбари ўринбосари Р.Каримов. - Маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратаётганимиз боис буюртмалар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Ўтган йили 661 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Бу йилги режамиз ундан ҳам катта.

*Санация*

***Сирдарёда ўтган икки-уч йил мобайнида 171 та фермер хўжалиги аҳволи мураккаблашди. Уларда ишлаш, мўл хирмон яратиш истаги устувор бўлсада, эришилган натижалардан кўнгил тўлмасди. Сурункали қолоқлик, иқтисод заифлиги оёққа тушов бўларди. Шу боис вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси мутахассислари мазкур фермер хўжаликлари молиявий аҳволини таҳлил қилиб чиқди. Натижада уларга имкон бериш керак, деган хулосага келинди. Яъни барча фермер хўжаликлари санацияга тортилди.***

# ФЕРМЕРГА КАТТА ИМКОН ЯРАТДИ

Мулкдорлар ҳукуматнинг ёрдамини тўғри англаб етишди. Санация уларнинг эркин ишлаши, қолоқликдан қутилиши учун шароит яратди. Оқибатда ўтган йили санацияга тортилган фермер хўжаликларининг 140 таси фойда билан якунлади. Улар пилла, пахта сотиш шартномаларини ошириб уддалаб, қарздорликка барҳам беришди. 22 та фермер хўжалигида қутилган натижага эришилмади. Лекин мулк соҳибларининг интилиши, ҳаракати инобатга олиниб, санация муддати бир йилга узайтирилди. Беш қўл баробар бўлмаганидек, яратилган шароит мазмун-моҳиятини англаб етмаганлар ҳам бўлди. Санацияга тортилган фермер хўжаликларининг 9 тасида дала ишларини ташкиллаштиришда масъулият етишмади. Долзарб дамлар бой берилди. Охир-оқибатда банкротликка учради.

– Ўтган йили кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган 572 та фермер хўжалиги аниқланиб, уларнинг 39 тасига санация берилганди, –дейди Сирдарё вилояти иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Орзиқул Мўминов. – Кредиторлик қарзларга мароторий жорий қилинганлигидан дахлдор ташкилотлар хабардор этилиб, хизмат кўрсатувчи банклардан маҳсус ҳисоб рақамлар очилди.

Санацияга тушган фермер хўжаликларига мавжуд аҳвол аниқ, лўнда тушунтирилди. Бошқарма улар билан бақамти иш олиб борди. Фермерлар ҳам танбаллик, ялқовликка барҳам беришди. Ишлов ўз фурсатида, йиғим-терим уюшқоқлик билан ташкил этилди. Оқибатда имтиёздан фойдаланаётган 61 та фермер хўжаликларининг 59 таси ғаллачиликдан 22,1 миллион сўм, пахтачиликдан 200,2 миллион сўм, оралиқ экинлардан 3,1 миллион сўм фойда олишга эришди. Улар таназзулдан қутилиб, фойда сари юз тутишди.

– Тан олиш керак, фермерларга кўрсатилаётган ғамхўрлик қадрига ҳамиша ҳам етавермаймиз, –дея суҳбатни давом эттирди Мирзаобод туманидаги «Дилшод-2» фермер хўжалиги раҳбари Содиқжон Имомназаров.– Биз ҳам анча йиллар ўзимизни ўнглаб ололмадик. Ер нобоплиги, сув танқислиги боис қарзимиз болалаб кетди. Фақат санация туфайли музни кўчиришга эришдик. Кўп йиллик қарзларимизни бир йиллик самарали меҳнатимиз маҳсули қоплади. Эл-юрт ўртасида юзимиз ёруғ бўлди.

Хуллас, санация мирзачўллик кўпгина фермерларни иқтисодий таназзулдан сақлаб қолди. Мулкдорларга ўз имкониятларини юзага чиқаришга замин бўлди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бор бўл, оқибат!*

# ҲАР БИР КИШИ БЕШ ТУПДАН КЎЧАТ ЎТҚАЗАДИ

Яқинда ўзининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўраётган Қарши шаҳри маҳаллаларида ҳашар ўтказилиб, турар-жойлар тартибга келтирилди.

Айни кунларда шаҳарда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари давом эттириляпти. Хусусан, вилоят марказидаги турар-жойлар, кўчалар, дам олиш оромгоҳлари, хиёбон ва ёзги спорт иншоотларини ободонлаштириш, йўлларни кенгайтириш ва таъмирлаш ишлари авж олдириляпти. Янгидан бунёд этилаётган Алишер Навоий номидаги марказий дам олиш боғида вилоят ўрмон хўжалиги ходимлари кўчат экишяпти. Ҳозирга қадар боғда ҳомий ташкилотлар томонидан 150 миллион сўмлик реконструкция ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Қарши шаҳридан олисда жойлашган Худойзод маҳалласи йил сайин кўркамлашиб боряпти. Аҳоли хонадонларига «Зангори олов» етиб келишини таъминлаш мақсадида 300 метр марказий газ қувурлари алмаштирилди. 200 метрли бетон ариқлар таъмирланди.

Маиший хизмат уйининг фойдаланишга топширилиши, бу ерда халқ амалий санъати марказининг очилиши, салқин ичимликлар дўкони, қандолат маҳсулотлари цехининг ишга туширилиши одамларга қулайлик яратди.

Халқаро ННО «СНГ интернейшнл» ташкилоти ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга яқиндан кўмаклашмоқда, – дейди маҳалла қўмитаси раиси У.Ҳайдаров.– Жамғарма грантлари ҳисобига ҳудудимизни ободонлаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. «Сиҳат-саломатлик йили»да маҳалла врачлик пункти, спорт мажмуаси ва ёзги сузиш бассейини қурилади. Рогузар, Чақар, Чармгар, Қарликбоғот, Маҳаллаота, Хонтепа, Кунчиқар, Дарвозатутак, Беглар, Гулшан маҳаллаларида ўтказилаётган кўчат экиш ва ободонлаштириш ҳашарларида минглаб кишилар қатнашмоқда.

Шаҳарнинг бош дарвозаси, аэропорт ҳудудида кўча, йўллар, уй-жой бинолари атрофини тозалаш, гулзор ва ҳиёбонлар барпо этиш юмушлари қизғин тус олган. Қарийб 3 километрли йўл четига мавсумий гуллар экилиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Маҳтумқули номли ва Темирйўлчилар маҳаллаларида эскирган сув қувурлари алмаштирилиб, боғ барпо этиш учун 0,25 гектар ер ўзлаштирилди.

– Табиатнинг уйғониш фасли Наврўз айёмига авлод-аждодлари боғбону соҳибкор ўтган юртдошларимиз пухта тайёргарлик кўряпти, – дея суҳбатни давом эттирди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Ҳамзаев.

– Гузар ва кўчалар, хонадонларда бебаҳо неъмат-сумалак пиширишга анъанага айланган. Шуниси эътиборга лойиқки, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан ҳар бир шаҳарлик 5 тупдан мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экиш даъватига қўшилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Тўрақўрғон туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги меҳнаткашлари баҳорги экин-тикин мавсумига қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Бу ерда барча агротехника воситалари ишлашга шай қилиб қўйилган. Ўтган йилни 28 миллион сўмлик соф фойда билан якунлаган хўжалик аъзоларининг янги мавсумдан умидлари катта. Улар бу йилги деҳқончилик юмушларини пухта режалаштириб олишган.

**Суратда: механизатор Абдулҳай Эрматов.**

**И.ҲАСАНОВ олган сурат**

# ҚИРҚ БЕШИНЧИ САВДО МАЙДОНЧАСИ

***Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасининг Элликқалъа туманида иш бошлаган Савдо майдончаси фермерлар, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар учун ҳақиқий Наврўз тухфаси бўлди.***

Эндиликда улар бу ерда замонавий компьютерлар орқали, мамлакатимиз пойтахтида ўтказиладиган биржа савдоларида иштирок этиши, зарур товар-хомашёни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини савдога қўйиши мумкин. Савдо майдончаси хизматидан тумандаги икки қўшма корхона, тўрт ширкат ва 807 фермер хўжалиги, ўттиздан ортиқ тадбиркор, ўндан зиёд корхона ва ташкилот фойдаланмоқда.

Биринчи куни тумандаги «Ворис-УРУ» фермер хўжалиги бир тонна ёнилғи, «Гулдурсинсавдо» ҳусусий корхонаси беш тонна ўсимлик ёғи сотиб олди.

- Биринчи иш куни ана шундай самара билан якунланди, -дейди савдо майдончасининг очилишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси мол-хомашё биржаси электрон савдолар маркази директори Шоира Маҳмудова. - Савдога қўйилаётган ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун мижозлар энди олис йўл босиб Нукусга бориб юрмайди.

Қорақалпоғистонда учинчи, мамлакатимизда қирқ бешинчи бўлиб иш бошлаган ушбу савдо майдончасида мижозлар учун барча қулайликлар яратилган. Тез кунда Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот туманлари ва Тахиатош шаҳрида ҳам ана шундай шохобчалар иш бошлайди.

*Меҳнат муҳофазаси*

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАН ЖАРОҲАТИ

***Мулкчилик қандай шаклда бўлмасин, улар корхона ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни ва Меҳнат Кодексида белгилаб берилган талабларни амалга ошириш масъул раҳбарларнинг вазифасидир.***

Чунки ушбу қонуннинг асл мақсади ва талаби мулк ҳамда хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар барча турдаги корхоналарда ходимларнинг соғлиғини сақлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, тиббий-гигиеник, ташкилий тадбир ва меъёрларни амалга оширишдан иборат. Хусусан, унда «Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёт ва соғлиғи устувордир» деб қайд қилинган. Шунга қарамай, кейинги пайтларда қонун талаблари қўпол бузилмоқда. Бу ўз навбатида айрим корхона ва ташкилотларда бахтсиз ҳодисалар содир бўлишига олиб келмоқда. Далилларга мурожаат қилсак. Чиноз туманидаги йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси ишчиси О.Соипов 27 июл куни иш тугаганда, хизмат транспортини кутиб йўл четида ўтирарди. Шу вақт бошқарувни йўқотган «Нексия» русумли автомашина келиб О.Соиповни уриб, умрига нуқта қўяди. Корхона ҳисобидан бу ишчи оиласига бир йўла берилиши керак бўлган 3 миллион 460 минг 476 сўм товон пул Асака банкнинг Чиноз туман бўлимига ўтказиб берилган. Лекин банк мутасаддилари «нақд пул муаммоси бор» дейишлари натижасида жабрдийда оиласи маблағни бир неча марта бўлиб олган. Устига устак корхона мутасаддилари жабрланувчи оиласига 2004 йил 1 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига амал қилмай, товон пулини кам ҳисоблаб беришган. Бунга Тошкент вилоят «Сувоқава» ОАЖнинг туманлараро Янгийўл шаҳар шўъба корхонасида ишлаб, вафот этган ишчилар Р.Абилов, У.Хитановлар оиласига берилган бир йўла нафақалари ҳам мисол бўла олади.

Бундай кўнгилсизликларни олдини олиш учун ўтган йил меҳнат нозирлари томонидан 230 та корхона фаолияти текширилиб, 4402 та меҳнат қонунчилиги бузилганлиги аниқланган. Амалдаги меъёрий ҳужжатларни қўпол равишда бузганлиги учун 117 нафар мансабдор шахс 1 миллион 719 минг сўм жарима билан сийланди. 4 нафар масъул шахс эса вазифасидан озод этилди.

**М.ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент вилоят меҳнат ва аҳолини ижтмоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи**
**Ю.ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**«АНГРЕН» КЎМИР КОНИ:**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИСТИҚБОЛ

Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСлари «Ангрен» кўмир конидан қазиб олинаётган қаттиқ ёқилғининг асосий истеъмолчиларидан. Бир йилча аввал мазкур ГРЭСларга етказиб берилаётган ёқилғи миқдорида ангренлик кончиларнинг улуши атиги ўн фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу миқдор уч баравар кўпайди. Яқин учтўрт йил мобайнида мазкур ГРЭСларнинг асосий ёқилғи манбаи кўмир бўлиб қолади. Бу эса иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришда ишлатилаётган табиий газни тежаш, ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Мамлакатимизда кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш бўйича давлат дастури изчил амалга оширилмоқда. Дастурнинг асосий йўналишларидан бири кўмир саноатининг йирик корхонаси -»Ангрен» кўмир конида ишлаб чиқариш майдонини кенгайтириш, ёқилғи қазиб олиш техника ва технологиясини замонавийлаштиришни кўзда тутади.

Дастур ўн йилга мўлжалланган бўлиб, олти босқичдан иборат. Айни пайтда биринчи босқич муваффақиятли амалга оширилди. Ҳозир кон очиш ишларида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган роторли экскаватор, уч ярим километр узунликдаги транспортёр лентаси ва чиқинди тоғ жинсларини тўплаш техникасидан иборат замонавий мажмуадан фойдаланилмоқда. Германиянинг «Тиссен КРУПП» ҳамда «Ман Такраф» фирмалари мутахассислари ҳамкорлигида ўрнатилган янги техника яхши самара бермоқда.

– Янги техникани ишга солиш осон бўлмади, албатта, - дейди кон директори Владимир Боднар. - Соатига икки минг, йилига тўрт ярим миллион кубометр ҳажмидаги тоғ-кон ишларини бажарадиган бу мажмуанинг афзаллиги шундаки, кўмир устидаги тоғ жинсларини кўчириб олиш ва вагонга ортиб, бир неча километр олисга олиб бориб тўкиш шарт эмас. Улар қазилган заҳоти транспортёр лента орқали бўшаб қолган конларга тўкилаверади. Бу кон очиш ишларини бир неча баробар тезлаштириш билан бирга маҳсулот таннархини ҳам кескин пасайтиради. Экологик мувозанатни сақлашда ҳам аҳамияти беқиёс.

Кўмир ҳавзасига бирин-кетин яна бешта шундай замонавий техника мажмуи олиб келинади. Уларнинг тўрттаси кон очиш, иккитаси эса кўмир қазиб олишга йўналтирилади.

Кон жамоаси бултур истеъмолчиларга 2 миллион 339 минг тонна кўмир етказиб берган эди. Бу борадаги йиллик режа ортиғи билан адо этилди.

Кончилар янги техника ва технологияни амалиётга изчил татбиқ этиш, кўмир қазиб олиш миқдорини йилдан-йилга кўпайтириш чораларини белгилаб олган. Зеро, номи зикр этилган Давлат дастурида 2010 йилга бориб «Ангрен» кўмир конининг ўзидан 8 миллион тонна кўмир қазиб олиш кўзда тутилган. Геологларнинг маълумотларига қараганда, бу ердаги кўмир захираси икки миллиард тоннадан ортади ва йилига ўн миллион тоннадан қазиб олинганда ҳам икки юз йилга бемалол етади.

**(ЎзА)**

# БАХТ ЭШИГИГА ЭГАТЛАР ЕТАКЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Фарғона вилоятида ўтган йилни зарар билан якунлаган 56 ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида янги фермер хўжаликлари ташкил этилди.***

Бағдод туманида эса барча ширкат хўжаликларининг ерлари фермерлар ихтиёрига ўтди.

- Сўнгги йилларда туманимизда пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетди, -дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ш.Тўрақулов. - Шартномавий мажбуриятлар муттасил бажарилмай келинди. 2002-2003 йилларда пахтачиликнинг ўзидан бир миллиард 200 миллион, 2004 йилда 950 миллион сўм зарар кўрдик. Шуларни ҳисобга олиб, барча ширкат хўжаликлари тугатилди.

Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман вакиллиги янги ташкил этилган фермерларга яқиндан кўмак бермоқда. «Пахтабанк»нинг туман бўлими уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпти.

«Қўқоннефтбаза» унитар корхонаси Фурқат филиали, «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти туман бўлими ёнилғи ва минерал ўғит етказиб бериш юзасидан янги фермерлар билан шартнома имзолади.

- Эллик тўрт гектар ерим бор, - дейди фермер Мўминжон Назаров. - Бу йил 31 гектар майдонда ғўза, 23 гектар майдонда ғалла парваришлаймиз. Юқори ҳосилни кўзлаб турибмиз.

## Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси қурултойидан

# “ОДАМЛАР БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТИШАДИ”

*(Боши 1-бетда)*

Сўнгги йилларда Марказий қўмита вилоят, туман ҳамда бошланғич ташкилотлардаги фаоллар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, кўпчилик томонидан илгари сурилаётган таклифларни рўёбга чиқаришга эришди. Жумладан, 95 фоиз жамоа шартномаларида иш берувчи ташаббуси билан ходим ишдан бўшатилаётганида касаба уюшма қўмитаси билан келишиш ҳақидаги банд киритилган. Бу энг нуфузли жамоа ташкилотининг обрўсига обрў қўшди, ҳал қилувчи бўғинларда унга бўлган ишончни мустаҳкамлади. Бироқ шундай бўлсада, 2004 йил учун қабул қилинган жамоа шартномаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг 5 фоизида бу банд ўз ифодасини топмаган. Боз устига асосан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига тааллуқли бўлган мақсадларга иш берувчи томонидан маълум миқдорда маблағлар ажратилган бўлишига қарамай, амалда улар ўз ижросини топмаётир.

Анжуман иштирокчилари ўзларини ўйлантираётган, тўлқинлантираётган масалалар атрофида очиқ, ошкора фикр юритдилар. Маърузачини қўллаб-қувватлаган ҳолда қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Равшанки, дея таъкидлашди улар, Меҳнат Кодексида иш берувчига нисбатан чоралар кўриш белгиланмаган. Шунинг учун ўз мажбуриятини бажармаган иш берувчи масъулияти бўйича алоҳида бандлар киритишга эришишимиз лозим. Салоҳияти кучли, қатъиятли ходимлар фаолият юритаётган жойдагина бунга эришиш мумкин. Зеро, касаба уюшмаларининг кучи бирлик ва ҳамжиҳатликдадир!

Фаолиятнинг муҳим йўналишларидан яна бири қисқартириш, ташкилотларни қайта ташкил этиш ва тугатиш натижасида ишдан бўшатилган ходимлар муаммосидир. Ўта муҳим масала тармоқ келишувларига киритиляпти ҳамда ушбу бандларни бажарилишига эришиш юзасидан қатъий саъи-ҳаракат кетмоқда. Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали иш берувчининг маблағи ҳисобидан 2002 йилда 1.588 нафар ходим қайта ўқитилиб, малакаси оширилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 1.820 нафарни ташкил этди. Аъзоларни ишга жойлаштириш масаласида меҳнат органлари, ташкилотлар раҳбарлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганлиги ўзининг дастлабки натижасини бермоқда.

Оғриқ нуқталардан бири меҳнатни муҳофаза қилиш масала-муаммоларидир. Ажабланарлиси шуки, тармоққа тегишли бўлган кўпчилик бюджет ташкилотларида шу соҳа бўйича мутахассис ушлаб туриш учун маблағ ажратилмаяпти. “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги қонун талаблари ҳам кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Ушбу қонуннинг 23-моддаси умумий мажлисларда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайлашни назарда тутади. Делегатлар эътироф этишганидек, кўпчилик ташкилотларда бу талаб қондирилмаяпти. Ўзибўларчилик, расмиятчилик, муросасозлик ҳамиша қимматга тушади. Юқоридаги камчиликлар оқибатида ўтган давр ичида 25 дан ортиқ бахтсиз ҳодиса рўй берди. Улардан 22 таси ўлим билан тугади. Эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим томони, бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш ҳайъати таркибига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг буйруқларига асосан кўнгилсиз ходиса рўй берган ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари киритилмоқда. Бахтсиз ходисалардан Марказий қўмитанинг тегишли бўлими хабарсиз қолмоқда. Бахтсиз ҳодисага учраган кишиларнинг оила аъзолари Марказий қўмитага мурожаат қилганиларидан сўнггина уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари бошланяпти. Кўринадики, муҳим ишда ойдинлаштириб оладиган томонлар кўп.

Бугунги кунда ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, мероси, буюк алломаларимизнинг илмий, маънавий меросларини хусусида фуқаролар тўғри ва аниқ тушунчага эга бўлишлари ғоятда муҳимдир. Мақсад, ёшларимиз том маънода ўз Ватанини жон дилидан севадиган эътиқодли, билимли, қатъиятли ва албатта изланувчан бўлишлари керак. Шундагина улар ғанимларнинг алдовларига учмайдилар. Ғурури баланд, эътиқоди мустаҳкам инсонни енгиш ва оғдириш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи неча бор тасдиқлаган. Сўнгги йилларда тегишли идора ва ташкилотларнинг ходимлари билан ҳамжиҳатликда меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда чиқишлар қилиб, одамлар онгида диний ақидапарастликка, экстремизмга қарши кучли нафрат туйғусини тарбиялашга ҳаракат қилинмоқда. Бу масала касаба уюшма ташкилотлари олдидаги долзарб вазифалардан бўлиб қолаверади.

Ижро интизомига эътибор кучайди. Қуйи тизимларда штатли ходимларга эга бўлмасдан бошланғич, туман, шаҳар, вилоят ташкилотлари ва Марказий қўмитанинг доимий алоқасини таъминлашга эришилди. Анжуманда қуйи тизимларда фаоллар жамоатчилик асосида ишлашлари инобатга олиниб, маълумотлар беришни имкон қадар камайтириш зарурлиги таъкидланди.

Беш йил мобайнида тармоқ касаба уюшма аъзолари сонини сақлаб қолиш учун қатъий ҳаракат қилинди. Табиийки, республика миқёсида бошқарув аппарат тизимини қайта ташкил этиш, штатлар қисқартирилиши, ҳудудий тизимларнинг ўзгартирилиши қўшимча қийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқарди. Боз устига ички имкониятлар атрофлича таҳлил этилмаганлиги, янги ташкилотлар барпо бўлаётганда тезкор ҳаракат қилинмаганлиги аъзолар сонининг қисқаришига олиб келди. Хўш, аҳволни ўнглаш учун нималар қилиш керак? Аввало одамларга касаба уюшма аъзоси бўлишнинг афзал томонларини ётиғи билан тушунтириш керак. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан, кўргазмали тарғибот воситаларидан унумли фойдаланиш керак.

* * *

Қурултойда ташкилий масала кўрилди. Жория Алимходжаева Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

**Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,**
**“Ишонч” мухбири**

## Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси қурултойидан

# ЎЗ СЎЗИМИЗНИНГ ЭГАСИ БЎЛАЙЛИК

*(Боши 1-бетда)*

Меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоялашни яхшилаш мақсадида Марказий қўмита қарор қабул қилди. Унга кўра ҳудудий касаба уюшма органларида ҳамда йирик корхоналарда жамоатчилик асосида “Ҳуқуқий маслаҳатхона”лар очилди. Уларда саккиз мингдан зиёд меҳнаткашга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга “Ўзмонтажмахсусқурилиш” ассоциацияси ва “Ўзқурилишматериаллари” компаниялари билан ҳамкорликда ўнлаб ҳуқуқий семинарлар ўтказилди. Уларда 1,5 мингдан зиёд киши қатнашди.

2002 йилда эса Марказий қўмита “Касаба уюшма органларининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги фаолияти тўғрисида” қарор қабул қилди. Натижада касаба уюшма ташкилотлари бу борадаги фаолиятларини сезиларли даражада жонлантирди. Масалан, ўтган 2,5 йил давомида мазкур қарор асосида 623 та текширув ўтказилди. 3,5 мингдан зиёд қоида бузилишлар бартараф этилди.

Соғлом ҳамда хавфсиз иш шароитларини яратишда ўтказилаётган кўрик-конкурслар аҳамияти юксак. Уларга нафақат йирик корхона ва ташкилотлар, балки цех касаба уюшма гуруҳлари ҳамда уларнинг бу борада фаолият юритаётган комиссиялари ҳам жалб этилди.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналишларидан. Лекин, ҳамма жойда ҳам меҳнат шароити белгиланган меъёрларга жавоб бермаяпти. Бу ҳолатни бартараф этиш юзасидан Марказий қўмита пленуми 2004 йилда қарор қабул қилди. Унга асосан иш жойларини аттестациядан ўтказиш паспортизация қилина бошлади. Тармоқнинг ўзига хослиги, оғир ижтимоий меҳнат ва ноқулай меҳнат шароитини ҳисобга олиб, жойлардаги санаторий-профилакторийлар фаолияти яхшиланди. Ҳисобот даврида 5 минг 134 нафар меҳнаткашга сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. 22 минг 929 нафар киши санаторий-профилакторийларда ўз соғлигини тиклади.

Марказий қўмитанинг фаолияти ташкилий ишлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бу борада 193 та касаба уюшма қўмиталари ҳамда корхоналар фаолияти ўрганиб чиқилди. Керак бўлган тақдирда уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Хоразм, Самарқанд ва Тошкент шаҳри вакилликлари ва улар тасарруфидаги бошланғич ташкилотларга фаолиятларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди. Касаба уюшмалари фаолларини ўқитиш, фуқароларнинг хат ва мурожаатларини кўриб чиқишни яхшилаш юзасидан услубий қўлланмалар чоп этилди.

Лекин ҳали тармоқ бўғинларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, таркибга янги касаба уюшма аъзоларини қабул қилиш ва улар сонини ошириш борасида кўп ишлар қилиш лозим. Тадбиркорликнинг ривожланиши, иқтисодий муносабатларнинг эркинлашуви шуни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан давр касаба уюшмалари олдига долзарб вазифалар қўймоқдаки, бу ҳар бир етакчидан ишга ижобий ёндошиш, изланиш ҳамда дадил ҳаракатни талаб этади.

Ҳозирги вақтда касаба уюшма тузилмасини бошланғич ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича вакилликлари ташкил этмоқда. Барча 14 та вакилликлар Марказий қўмитанинг ҳудудлар бўйича бўлинмалари ҳисобланади. Шу боисдан Марказий қўмита касаба уюшма етакчиларини мавқелари ҳамда билимларини оширишга асосий эътиборни қаратди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги ўқув марказида 184 нафар ходим ўқитилди. Жойларда малака оширганлар сони эса 5 минг нафардан ошди. 2000 йилда “Ижтимоий шерикчилик тамойилларини амалга ошириш мақсади, вазифалари ва йўллари” мавзусида семинар ўтказилди.

Раёсат қарорига мувофиқ касаба уюшма ташкилотларининг масъул ходимлари ва мутахассислари аттестациядан ўтказилди. Уларнинг касбий тайёргарликларини аниқлаш мақсадида Меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси, Марказий қўмита ва унинг раёсати қабул қилган ҳужжатлар, бошқа муҳим масалалар юзасидан билимлари синаб кўрилди.

Ўтган йиллар маданий-маърифий, спорт тадбирларига ҳам бой бўлди. Улар учун 900 миллион сўм сарфланди. Лекин шу ўринда бир муаммони таъкидлаб ўтиш зарур. Тармоқ келишувларида ҳамда жамоа шартномаларида иш берувчиларнинг касаба уюшмалари ҳисоб рақамларига спорт соғломлаштириш ҳамда маданий-маърифий тадбирлар учун ҳар ойда пул ўтказиб туришлари белгиланган. Лекин кўпгина раҳбарлар уни бажармаяптилар. Ҳар бир корхонадаги соғлом кайфият, кўтаринки рух, меҳнаткашлар ўртасида ўтказиладиган юқоридаги тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳисобот даврида Марказий қўмита меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш учун барча имкониятни ишга солди. Лекин кўрилган чораларга қарамай, иш ҳақидан қарздорликни ҳал этишда айрим муаммолар юзага келмоқда. Бу борада жамоа шартномалари имкониятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Меҳнат қонунчилигига ҳамма жойда ҳам риоя этилмаяпти. Меҳнаткашларни махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда ҳам муаммолар учрамоқда.

Қурултойда ҳисобот маърузаси қилган Марказий қўмита раиси Рустамбек Миртемиров, муҳокамада сўзга чиққан Марказий қўмитанинг Тошкент вилояти бўйича вакили Тўхтамиш Давлатов, Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили Клара Гаипова, “Навоийцемент” акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Валерий Фокеев, “Нерудник” акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Илмира Бахтиева ва бошқалар юқоридаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Улар бундан буён касаба уюшма ташкилотларини сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш, бунинг учун замонавий иш услубларини қўллаш масалаларига ҳам тўхталишди.

* * *

Қурултойда ташкилий масала кўрилди. Рустамбек Миртемиров Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

## ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ НАЗАРДА ТУТИЛГАНМИ?

***САВОЛ: Мен 1973 йилдан бошлаб то ҳозирги давргача мактабда болалар етакчиси бўлиб ишлаб келмоқдаман. 2005 йилда 55 ёшга тўлдим. Мен ҳам мактаб ўқитувчилари сингари имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?***

**Ғ.ПАРПИЕВ,**
**Фурқат тумани**

**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига биноан умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати белгиланган. Юқоридаги модданинг «к» бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари – махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда эркаклар 55 ёшга тўлганларида, аёллар эса 50 ёшга тўлганларида имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин. 3-рўйхатнинг VII қисмида ушбу касб, лавозимлар рўйхати белгиланган. Лекин унда болалар етакчиси лавозими назарда тутилмаган.

## ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР

***САВОЛ: Мен 30 йилга яқин кон қидирув экспедициясида юқори маош олиб ишлаганман. Ҳозирги кунда пенсияга чиққанман. Лекин пенсиянинг миқдори кам ҳисобланган. Айтингчи, ер ости шахталарида ишлаган ишчиларга қайси тартибда пенсия тайинланади? Бизга қандай имтиёзлар бор.***

**З.РАСУЛОВА,**
**Китоб тумани**

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарорига асосан кон саноатида, ер ости ишларида, шахталарда ишлаган ходимлар 1-,2-,3- рўйхатлар бўйича имтиёзли шартларда пенсия олишлари мумкинлиги кўрсатилган. Сиз хатингизда қайси касб ёки лавозимда ишлаганлигингизни кўрсатмагансиз. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган 3 та рўйхатнинг қайси бири бўйича имтиёзли равишда пенсия тайинланганлиги маълум эмас. Лекин қайси рўйхат бўйича пенсия тайинланган бўлса ҳам пенсия миқдорини аниқлашда қуйидаги 3 та босқич қўлланилади.

Аввалambор Сизнинг хоҳишингизга кўра бутун меҳнат фаолиятингиз давридаги кетма-кет келган беш йилликдаги ўртача ойлик иш ҳақингиз олинади. Лекин шуни айтиш жоизки, қанча юқори ойлик иш ҳақи олишингизган қатъи назар, агар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақингиз ҳозирги даврдаги энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан ошиб кетса, юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг 31-моддаси пастдаги иккинчи хат бошига асосан, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

1-босқич пенсиянинг таянч миқдори – бу эса ёшга доир тўлиқ пенсия учун ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам пенсияни 100 фоизи миқдорида олинади;

2-босқич иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши бунда ёшга доир пенсиялар пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақидан тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун бир фоизи миқдорида оширилади.

3-босқич пенсияларга қўшиладиган устама ҳақлар эса Қонуннинг 28-моддасида белгиланган бўлиб, ер ости ишларида, шахталарда ишлаган ходимларга устама ҳақлар бериш назарда тутилмаган.

## ШУ ТЎҒРИМИ?


***САВОЛ: Мен 1976 йилдан бери туман шифохонасининг юқумли касàлликлар бўлимида кир ювувчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Туман ижтимоий таъминот бўлимига имтиёзли пенсияга чиқиш учун мурожаат қилсам, улар сиз буйруқ бўйича «кир ювувчи» бўлиб ишлагансиз, деб пенсияга чиқаришмади. Шу тўғримиди?***

**Қ.ҲИДОЯТОВА,**
**Яккабоғ тумани**

**ЖАВОБ:**«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида умумий белгиланган ёшни (ушбу Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ умумий белгиланган ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун 55 ёш қилиб белгиланган) 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган. Юқорида айтиб ўтилган модданинг «б» бандига мувофиқ меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-рўйхатнинг 1-қисми) яъни эркаклар иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келганда, аёллар иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда эркаклар 55 ёшдан, аёллар 50 ёшдан имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шунингдек, меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар қамида 5 йил ишлаган тақдирда ушбу қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия тайинланади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1- ва 2-, 3-рўйхатлари тасдиқланган. 3-рўйхатнинг 1-қисми 25-бўлимида ҳар қандай шифохонанинг юқумли касалликлар бўлимида ишловчи айрим тоифа ходимларга имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган. Бунга кўра ушбу касалхоналарда ишловчи ўрта ва кичик тиббий ходимлар ҳамда санитаркаларга Қонуннинг 12-моддаси «б» бандида белгилаб қўйилган ёшга ҳамда талаб этилган иш стажига эга бўлсалар, имтиёзли асосларда пенсия тайинланади. Лекин ушбу рўйхатда «кир ювувчи» вазифалари назарда тутилмаган.



**Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш**

# ҚОИДАЛАРИ

28. Боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўлови олишга ҳуқуқи бўлганлардан ҳар бирига белгиланган зарар миқдори кейинчалик ҳисоб-китоб қилинмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

чақалоқ боқувчининг вафотидан кейин туғилганда;

вафот этган боқувчининг фарзандларида, набиралари, укалари ва сингилларини уч ёшга тўлгунгача парвариш қилиш билан банд бўлган шахсларга зарар тўловлари белгиланганда ёки тўхтатилганда;

вафот этганнинг қарамоғида бўлган ёки у вафот этган кунгача унинг таъминотида бўлиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар сони ўзгарганда.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда зарарни тўлаш миқдори, зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони кўпайиши ёки камайиши ҳисобга олинган ҳолда, мазкур Қоидаларнинг 27-бандига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилади.

29. Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга иш берувчи вафот этганнинг камида олтита ўртача йиллик иш ҳақининг ушбу шахслар сонига бўлинган суммасида бир йўла бериладиган нафақа тўлайди.

Олтита ўртача йиллик иш ҳақи миқдори мазкур Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган вафот этганнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)ни етмиш иккига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

30. Соғлиқ шикастланганлиги туфайли бир йўла бериладиган нафақа олингандан кейин ходим меҳнат билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши муносабати билан вафот этган тақдирда, иш берувчи вафот этганнинг камида бешта ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир йўла бериладиган нафақа тўлаши шарт.

31. Ходим меҳнат билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши муносабати билан вафот этган тақдирда иш берувчи қўшимча равишда дафн этиш учун зарур харажатларни ушбу харажатларни сарфлаган шахсга тўлаш шарт.

Дафн этиш учун зарур харажатлар зарарни тўлаш ҳисобига киритилмайди.

**(Боши ўтган сонларда)** *(Давоми бор)*

## Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: мактабда ҳорижий тил ўқитувчиси етишмаётганлиги туфайли синфларни гуруҳларга бўлмасдан дарс ўтяпмиз. Бундай ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш мумкинми?***

**Ё.ОХУНОВ,**
**Шофиркон тумани**

**ЖАВОБ:** ҳар ўқув йилида ўқитувчиларга дарс соатлари тақсимланаётганида улар тарификациядан ўтади. Хорижий тил ўқитувчиларига бир синфда 26 тадан ошиқ ўқувчи бўлса бу синф икки гуруҳга бўлиниб, икки ўқитувчига иш ҳақи тўлаб борилади. Ана шундай ҳолатда икки ўқитувчидан бири мактабдан кетса ёки касаллиги туфайли дарс ўта олмаса унинг дарс соатлари учун иккала гуруҳни қўшиб ўтган ўқитувчига иш ҳақи тўланади.

***САВОЛ: Ўзбекистон фуқароси Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳридаги пединститутда ўқиётган бўлса, ўқишини Ўзбекистондаги олийгоҳлардан бирига кўчириб келиши мумкинми? Агар мумкин бўлса қандай қилиб кўчирилади?***

**О.ҚОДИРОВ,**
**Наманган шаҳри**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги талабалар ўқишини кўчириш ва тиклаш идораларо комиссияси қарори билан амалга оширилади:

– талабалар (ўқувчилар) ўқишини бошқа давлатлар таълим муассасаларидан республика таълим муассасаларига кўчириш ёки қайта тиклаш;

– бир таълим муассасаси доирасида, талаба (ўқувчи) ўқишини турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш ёки қайта тиклаш;

– талаба (ўқувчи) ўқишини идоравий тасарруфликдан қатъи назар бир таълим муассасасидан бошқа таълим муассасасига мувофиқ турдош ва турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш ва қайта тиклаш.

***САВОЛ: Педагогни тиббий кўрикдан ўтмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддаси билан ишдан четлаштириш мумкинми?***

**Р.АБДУЛЛАЕВ,**
**Нукус шаҳри**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 214-моддаси асосида иш берувчи ходим билан меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

– ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

– олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;

– ногиронлар;

– меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлганлар;

– озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

– умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортиши мумкин эмас. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бош тортган ходимларни МКнинг 113-моддасига биноан иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

# ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

***Бунёдкор халқимизни, тармоқ ходимларини қадриятларимизни улуғловчи ва кенг тараннум этувчи Наврўзи олам билан самимий қутлайди***

# ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

***Баланд айлаб қуёшга поя Наврўз,***

***Кўтарди ер юзидин соя Наврўз,***

***Келиб файзу нишоту айш бирла,***

***Муҳайё қилди элга воя Наврўз.***

***Огаҳий***

# "МУБОРАКНЕФТГАЗ" УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



*Она Ватанимиз узра озодлик ва ҳурлик қуёши мангу порлайверсин. Муқаддас юртимиз шуҳрати янада зиёда бўлсин!*

# ОЛМАЛИҚ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Ёмғирлар хирмондан хушдарак бўлсин,*

*Толе бошимизга чамбарак бўлсин,*

*Уйғониш фасли бу - уйғоқ яшайлик,*

*Дўстлар Наврўзингиз муборак бўлсин!*



Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport *

***Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг спортни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишида Уйчи туманидан қатнашаётган вакил ўз сўзида туманда Тожиболдиевлар фамилияли уч ака-ука спортчилар етишаётганлиги, улар спортнинг турли соҳалари бўйича ўтказилган туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги беллашувларда ғолиб чиқишаётганлиги, ака-укалар ўз олдиларига Тожиболдиевлар оиласини жаҳон чемпионлари оиласига айлантириш мақсадини қўйишганлигини айтганида, гулдурос қарсаклар янгради.***

# НИЯТ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ ОИЛАСИ БЎЛИШ

Ҳа, Абдураҳмон Тожиболдиевни бугунги кунда ёши элликдан ошганлар яхши эслайдилар. Етмишинчи, саксонинчи йилларда республика миқёсида ўтказилган беллашувларда бир неча марта туман ва вилоят шарафини ҳимоя қилганди. Қатор медаллар, ёрлиқлар ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган. Лекин ҳаёт гуллар билан тўшалган паёндоз эмас, беш йил давомида эркин кураш бўйича Ўзбекистонга номи танилиб қолган Абдураҳмон билан унинг устози ўртасида «қора мушук» оралаб қолди. Бундан кўнгли оғриган Абдураҳмон спортни тарк этишга қарор қилди. Уйланди, ишга кирди, хуллас, турмуш, оила ташвишлари билан банд бўлиб қолди. Орада бирнкетин ўғлонлар дунёга келди...

Тўнғич фарзанди Мирзоҳид турли спорт тўгаракларига қатнаб юрди, ақли тиниқлашгач, узил-кесил спортнинг қўл жанги турини танлади ва шу йўналишда қизғин машқлар қила бошлади. Унинг мактабда ва турли тўгаракларда шуғулланган сўнг уйда ҳам машқларни давом эттирганлиги укаларининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Олдинига ўзидан кейинги укаси Мурод, кейин кичкинтой Маъруф ҳам акаларига эргашиб спорт билан шуғуллана бошлади.

– Аввалига ўғилларимнинг спортга меҳр қўйганликлари негадир менга ёқмади, – кулиб дейди Абдураҳмон ака.– Ўзим анча вақт спортга қизиқиб юрган бўлсам-да, лекин орзуларим рўёбга чиқмаганлиги ва ундан кўнглим қолиб четлашганим таъсириданми, уларни қайтармоқчи бўлдим. Бироқ, замон, давр ўзгарганлигини, бугунги кунда бу соҳага жиддий эътибор берилаётганлигини, бунинг учун барча шарт-шароит яратилганлигини ўйлаб, ўғилларим интилишига розилик билдирдим. Яхшиями-ки шундай қилганим. Қарангки, фарзандларим бирин-кетин туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги беллашувларда иштирок этишиб муваффақиятларга эриша бошлади.

Тўнғич фарзанд Мирзоҳид ҳозир 19 ёшда. Беш йилдирки Олимжон Йўлдошев раҳбарлигида қўл жанги билан шуғулланиб келади. Ҳозирда у эришган ютуқларга кўплар ҳавас қилса арзийди. «Олтин водий» халқаро турнирида биринчи ўринни забт этишга, 2003 йилда шу ном остида ўтказилган беллашувда бронза медалини қўлга киритишга, 2004 йилда шу ном остида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида кумуш медал ва спорт устаси унвонини олишга эришди. Бундан ташқари, Мирзоҳид Наманганда ташкил этилган халқаро турнирда «Олтин мангуст» кубоги эгаси деб топилди. У спортчигина эмас, балки устоз сифатида ҳам обрў-эътибор қозонмоқда. Туман марказидаги «Ситор-Ю» курашчилар клубига раҳбарлик қилади. Унинг укалари Мурод ва Маъруфлар ҳам ушбу клуб аъзоларидир. Мурод ҳали ёш бўлишига қарамасдан, юқорида таъкидлаб ўтилган спорт йўналиши бўйича республика чемпионатида, 5-синф ўқувчиси Маъруф эса вилоят чемпионатида иштирок этишиб фахрли ўринларни эгаллашди.

– Ҳаётда ҳар бир киши нимагадир қизиқиши ва шунга интилиши керак, – дейди Мирзоҳид. – Шунда яшаш иштиёқли кечади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Фахр

# ЧАНОҚ ҚИШЛОҒИДА АЖОЙИБ МАЖМУА


Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти. Шунинг самараси ўлароқ Чаноқ қишлоғида замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ ва маҳаллаларда янги спорт иншоотлари барпо этиш, зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш, ёшларни тўгарак ва секцияларга кенгроқ жалб этиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган.

– Президентимизнинг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари Исмоил Тошқораев. – Бугунги кунда туманимиз вакиллари турли халқаро беллашувларда, мамлакат мусобақаларида юксак натижаларга эришаётганлиги, айниқса, қувончли.

2005 йилда «Шўртан» футбол жамоаси мамлакатимиз олий табақасида тўп суради. Футбол ишқибозларига қулайликлар яратиш мақсадида туман марказий ўйингоҳини қайта қуришга киришилди.

– Оммавий спортнинг ҳаётимиздаги роли беқиёс, –дейди янги иншоотни бунёд этаётган «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиғи Илҳом Норчаев. – Жамоамиз ҳомийлигида ўйингоҳда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб бориляпти. Бу ерда 5000 томошабинга мўлжалланган ўриндиқларни тайёрлаш, майдон эгалари, меҳмонлар ва ҳакамлар учун қулай ва шинам хоналар қуриш юмушлари лойиҳа асосида амалга оширилляпти.



Қурилиш ва таъмирлаш тадбирларида корхонанинг Суюн Жумаев прораблик қилаётган қурилиш бригадаси, «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти тасарруфидаги 4- ва 5-вакиллик идораларининг ходимлари фаол иштирок этишяпти.

Ўйингоҳда 1000 ўринли трибуна, 200 ўринли ўтириш жойлари, 400 метрлик югуриш йўлакчаси, 100 метрлик тўғри чизиқ, 4 та ёритиш мўрисидан иборат замонавий стадион, 2 та спортзал, 2 та ошхона, 2 та ётоқхона, 2 та душхона, 2 та ҳожатхона, 2 та кийим алмаштириш хонаси, 2 та ҳаммом, 2 та сауна, 2 та массаж хонаси, 2 та тиббий хона, 2 та ҳовли, 2 та ҳовуз, 2 та ҳовлича, 2 та ҳовлича, 2 та ҳовлича